



**O'ZBEKISTONDA TURIZMNI
RIVOJLANTIRISHDA MODDIY-MADANIY
YODGORLIKLAR VA MUZEYLARNING O'RNI
(QASHQADARYO MODDIY-MADANIY
YODGORLIKLARI VA MUZEYLARI MISOLIDA)**

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

5-may, 2022-yil

II-QISM

SHAHRISABZ

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI**

TURIZM VA MADANIY MEROS VAZIRLIGI

**QARSHI DAVLAT UNIVERSITETINING
PEDAGOGIKA INSTITUTI**

**QASHQADARYO VILOYAT TARIXI VA
MADANIYATI DAVLAT MUZEYI**

SHAHNISABZ DAVLAT MUZEY QO‘RIQXONASI

**O‘ZBEKISTONDA TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA MODDIY-
MADANIY YODGORLIKLAR VA MUZEYLARNING O‘RNI
(QASHQADARYO MODDIY-MADANIY YODGORLIKLARI VA
MUZEYLARI MISOLIDA)**

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

5-may, 2022-yil

**THE ROLE OF CULTURAL MONUMENTS AND MUSEUMS IN
TERMS OF THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN UZBEKISTAN (ON
THE EXAMPLE OF CULTURAL MONUMENTS AND MUSEUMS OF
KASHKADARYA)**

International scientific-practical conference

May 5, 2022 y

**РОЛЬ ПАМЯТНИКОВ МАТЕРИАЛЬНОЙ И ДУХОВНОЙ КУЛЬТУРЫ
МУЗЕЕВ В РАЗВИТИИ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ (НА ПРИМЕРЕ
КАШКАДАРЬИНСКИХ ПАМЯТНИКОВ И МУЗЕЕВ)**

Международная научно-практическая конференция

5 мая 2022 г

2 - qism

SHAHNISABZ – 2022

ANJUMAN TASHKILIY QO'MITASINING TARKIBI:

G'aniyev A.	QarDU PI direktori, rais
Marasulova U.	QarDU PI Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha direktor o'rinbosari, rais o'rinbosari
Xudoyqulov T.	QarDU PI O'quv ishlari bo'yicha direktor o'rinbosari, a'zo
Rahimov Z.	QarDU PI "Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim metodikasi" kafedrası professori, p.f.d., a'zo
Muhammadiyev A.	QarDU PI "Tillar" fakulteti dekani, a'zo
Tilayev E.	QarDU PI "Pedagogika" fakulteti dekani, a'zo
Mamatov M.	QarDU PI Sirtqi bo'lim boshlig'i, a'zo
Shoymardonov I.	QarDU PI Ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy-pedagog kadrlar tayyorlash bo'limi boshlig'i, a'zo
Omonov B.	QarDU PI "Gumanitar fanlar" kafedrası mudiri, a'zo
Bobojonov Sh.	QarDU PI "O'zbek tili va adabiyoti" kafedrası mudiri, a'zo
Hamrayev Sh.	QarDU PI "Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim metodikasi" kafedrası mudiri, a'zo
Jonqobilov I.	QarDU PI "Gumanitar fanlar" kafedrası dotsenti, a'zo
Nomozov X.	QarDU PI "Gumanitar fanlar" kafedrası o'qituvchisi, a'zo
Xudoyorov L.	QarDU PI "Gumanitar fanlar" kafedrası o'qituvchisi, a'zo
Baratov H.	QarDU PI "Gumanitar fanlar" kafedrası o'qituvchisi, a'zo
Bobojonov B.	QarDU PI "Gumanitar fanlar" kafedrası o'qituvchisi, a'zo
Mahmudov S.	QarDU PI "Gumanitar fanlar" kafedrası o'qituvchisi, a'zo
Shukurov S.	QarDU PI "Gumanitar fanlar" kafedrası o'qituvchisi, a'zo
Xayrullayeva M.	QarDU PI "Gumanitar fanlar" kafedrası o'qituvchisi, a'zo.

Taqrizchilar:

B.Eshov *tarix fanlari doktori, professor*

Yu. Ergasheva *tarix fanlari doktori, professor*

**To'plamda nashr etilgan maqola va tezislardagi ma'lumotlarning
haqqoniyligiga mualliflar ma'suldir.**

Qarshi davlat universitetining Pedagogika instituti navbatdan tashqari
Kengashining 5-sonli Qaroriga asosan nashrga tavsiya qilingan.

учебного процесса в вузе. Сборник тезисов докладов II Всероссийской научно-методической конференции Рязань 2011. стр.3- 5.

3. Байденко В.И. Компетентностный подход к проектированию государственных образовательных стандартов высшего профессионального образования (методологические и методические вопросы): Методическое пособие. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2005. – 114 с.

4. Исаева Т.Е., Рубаник А.Н. Становление компетентного подхода в ведущих зарубежных странах. Ростов: Ростовский государственный университет путей сообщения, 2012.

5. Проектирование государственных образовательных стандартов высшего профессионального образования нового поколения. Методические рекомендации для руководителей УМО вузов Российской Федерации. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2005. – 134 с.

6. Стуф А. Что есть компетенция? Конструктивистский подход как выход из замешательства /<http://www.ht.ru/press/articles/print/art26.htm>

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭТНОГРАФИК МУЗЕЙЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қорёғдиев Зуфар,
БухДУ, т.ф.б.ф.д. (PhD)

Аввало, музей ва унинг вазифалари ҳақида қисқача. Музей – моддий ва маънавий ёдгорликларини жамлаш, сақлаш, ўрганиш ва намойиш қилиш, шунингдек, маърифий ва оммалаштириш ишлари билан шуғулланадиган муассаса. *Жамлаш* музей мазмунига мос ашёларни йиғишни англатса, *сақлаш* эса ушбу ашёларни келажақ авлодга етказиш учун қай ҳолатда қабул қилиб, имкон қадар ўша ҳолатда асрашни назарда тутди. *Ўрганиш* музей жамланмаларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш, тадқиқот натижалари асосида хулосалар чиқариш орқали амалга оширилади. *Намойиш қилиш ва маърифий-оммалаштириш* ишлари кўргазмада бирламчи маълумотларнинг акс эттирилиши, аудиогидлар, саёҳатлар, нашрлар ва бошқалар орқали ташриф буюрувчиларда ашё ҳақида, этнографик музейлар мисолида айтилганда эса, ашёни яратган ва ундан фойдаланган халқ ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Этнография тушунчасига ҳамда этнографик музейларнинг бошқа музейлардан фарқли жиҳати ҳақида қисқача изох бериб ўтиш мақсадга

мувофик. Этнография халкларни, уларнинг келиб чиқиши ва моддий-маънавий маданиятини ўрганадиган фан бўлиб, дунёнинг турли мамлакатларида турлича номларда аталади. Академик муҳитда этнология, маданий антропология, ижтимоий антропология каби талқинлари бор. Этнографик музейларнинг тарихи XVI-XVII асрларга бориб тақалади[1]. Европа мустамлакачи мамлакатлари томонидан янги ерларнинг олинishi, ўзгача ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг очилиши, илгари номаълум бўлган халқлар ва маданиятларнинг кашф этилиши натижасида кўплаб моддий ва маънавий маданият намуналарини Европага олиб келишга ва бир жойга жамлашга тurtки бўлди. Қолаверса, XIX аср охири XX аср бошларида илмий экспедицияга борган антропологлар, саёхатчилар томонидан йиғилган ашёлар этнографик музейларнинг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этган.

Этнографик музейлар бу – бугунни англаш, келажак ҳақида фикр юритиш ва ўтмишни ўрганиш воситасидир. Бу бизни ўраб турган жамият ва унга дахлдорлик борасида мулоқот, мунозара ва танқидий фикрлаш майдони ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан Ўзбекистонда этнографик музейларни ташкил этиш ва шакллантириш муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Тўғри, бугунги кунда мамлакатдаги кўплаб йирик музейлар таркибида этнография бўлимлари мавжуд ва уларда халқимизнинг асрий анъаналари ва қадриятларини ўзида акс эттирган маданиятимиз намуналари (ҳунармандчилик маҳсулотлари, тақинчоқлар, ўй-жойлар, кийим-кечаклар, таомлар, меҳнат қуроллари ва ҳ.к) сақланиб келинмоқда. Бироқ, алоҳида этнография музейларини ташкил этиш ва у ерда этнолог, антрополог олимларнинг тадқиқотларини олиб боришга шароит яратиш зарурати юқори бўлиб турибди. Этнография ва антропология соҳасида илмий тадқиқот олиб борадиган бошқа марказларга қараганда этнографик музейларнинг фарқли жиҳати шундаки, музейларнинг илмий тадқиқот натижалари кенг аудитория учун амалда очиқ бўлади. Долзарб тадқиқотларни илмий жамоатчилик ва кенг омма ўртасида кўприк ҳисобланган музей ходимлари ва олимлар амалга оширишади. Камдан-кам фан соҳаси музейга ўхшаган ёрдамчи муассасага эга ва этнография музейдан узоқлашиб, бу имкониятни йўқотмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Этнографик музей экспонатларини шакллантиришнинг турли воситалари мавжуд. Хусусан, музейлар замонавий мултимедия воситаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Бу экспозицияларни янада кенгроқ талқин қилиш мумкин бўлган янгича ўлчовларни тақдим қилиши мумкин. Мултимедия технологияларидан фойдаланишнинг қулайлиги ва ранг-баранг ҳамда бой маълумотларни

тасаввур қилиш имкониятини бериши, табиийки, этнографик музейларнинг ривожланишида ҳал қилувчи омиллардан биридир.

Бугунги кунда этнографик музейлар айниқса дизайнерлик ишларига алоҳида эътибор билан ёндашишлари керак. Яъни, асосий вазифа ҳисобланган экспозицияларни талқин қилиш билан бирга, уларнинг дизайнерлик кўриниши ва бадиий безак жиҳатларини мувофиқлаштириш муҳим саналади.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, этнографик музейлар йиғувчилар, мутасаддилар ёки дизайнерлар томонидан тузилмайди, балки, томошабинлар томонидан тузилади. Ташриф буюрувчилар музейларнинг асосий яратувчиларидир. Уларсиз ҳар қандай музей лойиҳаси йўққа чиқиши мумкин. Бироқ, томошабинлар олдида эътиборни сақлаб қолиш учун музейлар сиёсий ва иқтисодий унсурлардан ҳоли мустақил маданий институт сифатида қолиши керак. Этнографик музейларнинг мустаҳкамлиги ва сақланиб қолиши ягона кафолати шубҳасиз ҳолислик ва илм-фанга содиқлик муносабатини намоён қилишдир. Чунки, шу орқалигина этнографик музейлар йирик тадқиқот марказлари сифатида шакллана олган ва ажойиб коллекцияларни йиға олган. Айнан академик фаолият ва илмий тадқиқотлар билан узвий боғлиқлик музейларнинг сиёсий ва иқтисодий муносабатлардан мустақиллигини таъминлайди ва уларнинг ижобий тараққиётини кафолатлайди.

Илгари вақтларда этнографик музейлар ташриф буюрувчиларга бошқа мамлакатлар ва минтақаларни билвосита кўришга ёрдам берган. Гарчи ҳозирда бошқа халқлар маданиятини бевосита кўриш имконияти анча юқори бўлсада, этнографик музейларга эҳтиёж баландлигича қолади. Этнографик музейлар инсонларга ўтмишни англаш, ҳозирни билиш ва келажакка назар ташлайдиган “вақт машинаси” деб таъриф бериш мумкин. Зеро, ўтмиш ҳақида бугун биз билганимиз кўп ҳолларда ўша ўтмишдан қолган ва талқин қилинаётган нарсаларга боғлиқ.

Кўпгина ривожланган мамлакатлар учун музейлар ўзликни англашнинг самарали воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Ҳукумат даражасида археологик ёдгорликлар, нумизматика, заргарлик буюмлари, ҳунармандчилик намуналаридан ташкил топган экспозицияларга катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Мазкур экспозициялар тарихнинг қадимийлигини ва миллий анъаналарнинг қийматини ўзида акс эттиради.

Этнографик музейлар нафақат жамиятнинг моддий ва маънавий қадриятлари намуналарини тўплаш жойи, балки, уни сақлаш механизми ҳам ҳисобланади. Айнан музейлар туфайли маданий меросни асрашнинг энг самарали усули маълумот эканлиги аниқланди. Маълумотларни йиғиш,

тузиш, сақлаш, кўпайтириш ва тарғиб қилиш музейнинг инсоният тараққиётига кўшган улкан ҳиссаси бўлди. Музейларни ҳам моддий, ҳам маънавий маданиятни асровчиси сифатида кўриш даври келди. Ҳукумат даражасида музейларга эътибор берилиши нафақат унинг сиёсий салоҳиятига, балки, халқнинг интеллектуал ва маънавий ривожланишига киритган ҳиссаси бўлади. Ўтмиш меросни асрамасдан келажакни қуриб бўлмаслиги айтиш ҳақиқатдир.

Бугунги кунда этнографик музейлар олдида ўзига хос бир муаммо турибди. Яъни, ташриф буюрувчига бошқа маданият намуналарини намойиш қилиш ва шарҳлаш нисбатан мушкул бўлиб қолди. Ҳозирги глобаллашув замонида инсонларда тўғридан-тўғри бошқа мамлакат ва маданият вакиллари билан мулоқот қилиш, шахсан танишиш имконияти тобора кенгаймоқда. Улар илгари музейларга бориб танишган этнос маданияти билан бугун реал ҳаётда танишиш мумкинлиги натижасида этнографик музейлар қандайдир ноёб ёки кутилмаган бирор нарсани таклиф қилиши қийин бўлди. Ҳали XIX асрдаёқ айрим хорижий этнографик музейлар у ёки бу артефактлар олдида ҳақиқий африкалик ёки янги зелландиялик аборигенларни кўйиш тажрибасини қўллашган[2]. Сабаби, музейлар дунёнинг турли бурчакларидан реал вақтда товуш ёки тасвири узата оладиган янги технологик тизимлар билан рақобатлаша олиши керак. Бироқ, аксар музейлар ҳамон бир ёки икки сезги аъзоларини ҳисобга олади холос. Уларнинг экспозициясига, там ва ҳид билан боғлиқ нозик туйғуларни етказа олишдек жиҳатлар етишмайди ва бу кўпгина маданиятларнинг ҳал қилувчи унсурлари ҳисобланади.

Шу ўринда соҳага доир айрим таклифларни ҳам билдириш муҳим саналади. Ўзбекистоннинг турли тарихий-этнографик минтақаларини ҳеч муболағасиз очиқ осмон остидаги музей деб айтиш мумкин. Мамлакатнинг тарихий ҳудудларида минглаб обидалар, кадамжолар, мадрасалар-у, масжидлар борки, музей учун қандайдир иншоот қуриш ва у ерни махсус экспозициялар билан тўлдиришнинг ҳожати йўқ. Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўпгина шаҳарларининг ўзи музей-шаҳарлар ҳисобланади. Ҳали ривожланиб улгурмаган этнотуризмни йўлга қўйиш учун кенг имкониятларимиз эса етарли. Ҳозирги вақтда мавжуд турли этносларнинг (лўлилар, яҳудийлар, араблар ва ҳ.к) яшаш манзилларига ташриф буюриб, анъанавий ҳаёт ва маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолган ҳаёт тарзи билан танишиш тизимини йўлга қўйиш, ўз навбатида ташқи ва ички туризмни ривожланишига туртки бўлади. Қолаверса, дунёнинг турли мамлакатларида минтақамиздаги этносларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилаётган олимларни жалб этиш орқали, академик туризмни шакллантириш мумкин бўлади.

Адабиётлар

1. Annette B. Fromm. Ethnographic museums and Intangible Cultural Heritage return to our roots//Journal of Marine and Island Cultures (2016) 5, P. 89–94.
2. Эйя-Майя Котилайнен. Новые проблемы представления мировых культур в музее//Антропологический Форум №6 С.48.

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНING АНЪАНАВИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИГИ ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИГИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАҲЛИЛИ

Раҳмонов Фахриддин,

ҚарДУ доценти

XXI аср ўзбек халқи тарихи ва миллий анъаналарни ўрганиш борасида янги саҳифаларни муҳрамоқда. Айниқса, мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин халқимизнинг ўзлигини англаши, миллий қадриятлар, тарихий анъаналарга бўлган эътиборнинг ортиши, узоқ йиллар давомида ўзбек халқи аجدодлари томонидан яратилган, миллий қадриятлар ва урф-одатларни қайтадан жонланиши ҳамда уларнинг энг ибратли жиҳатларини жамият ҳаётига олиб кирилиши ҳам тарихий-этнологик тадқиқотларнинг долзарблигини оширига сабаб бўлмоқда. Бопқа томондан эса айнан кейинги ўн йилликларда дунё миқёсида кечаётган улкан глобаллашув жараёнлари ва турли тарихий даврларда минтақалараро коммуникация тизимининг такомиллашуви, миллий анъаналарга ҳамда турли тарихий минтақаларга хос локал жиҳатларга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

XX–XXI асрлар тарих саҳифасига нафақат фан-техника тараққиёти асри, балки турли халқлар анъанавий ҳўжалик, жумладан деҳқончилик машғулотларининг жиддий трансформацияси асри бўлиб ҳам кириб келди. Шу боис ҳам ҳозирда замонавий тарих фани олдида ҳозирги цивилизациявий жамиятда миллий маданиятларнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда уларни сақланиб қолиш омиллари, турли минтақаларга хос анъанавий ҳўжалик юритиш маданияти муаммоларни ўрганишга жиддий эътибор қаратиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг ўзига хос тарихий-этнографик макони ҳисобланган Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари аҳолисининг анъанавий деҳқончилик ҳаётини тарихий-хронологик йўналишда тадқиқ қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга мавзулардан бири ҳисобланади. Географик детерминизм ёндашувига кўра, турли жараёнларга табиий иқлим шароити, атроф-муҳит таъсир кўрсатади. Тарихий жараёнларга муайян давлатнинг жойлашган географик ўрни, иқлим шароитлари қадим даврлардан бошлаб

Манзаров Ю.Х. Цивилизация ва давлатчилик	303-307
Қурбонова М. Ўзбекистон Республикасининг тил соҳасидаги сиёсати ижтимоий тарихий аспекти	307-312
Очилова Г.А. “Темур тузуклари” – Амир Темур даврида давлатчилик ва бошқарув тарихи бўйича муҳим манба.	312-315
Ochilova N.R., Ochilova G.A. Globalization and its negative effects	315-317

**6-SHO'BA: MUZEY PEDAGOGIKASINI RIVOJLANTIRISHDA
AXBOROT-TA'LIM TEXNOLOGIYALARI VA INNOVATSIYALAR**

Rahimov Z. T. Muzei pedagogikasi rivojlanishi nazariyasi va amaliyotining asosiy tushunchalari va faoliyat yo'nalishlari.	318-323
Худайберганова З.Н. Мустафо Камол Отатурк ва Туркияда тил ислохотлари.	323-331
Камалиева А. Компетенцияга асосланган ёндашув филолог-битирувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий омили сифатида.	331-336
Қорёғдиев З.О. Ўзбекистонда этнографик музейларни ташкил этиш истиқболлари.	336-340
Раҳмонов Ф.Ў. Жанубий Ўзбекистон аҳолисининг анъанавий деҳқончилиги тарихи манбашунослигининг қисқача таҳлили.	340-345
Marasulova U.O музейной педагогике.	345-351
Hamroyev Sh. E. Maktablarda tarixiy o'lkashunoslik to'garagi va muzeylari faoliyatini tashkil etish.	351-355
Bobojonov Sh.X. Ona tili darslarida innovatsion va pedagogik texnologiya usullaridan foydalanish afzalliklari	355-358
Xudayberdiyev A.T. Elektron ta'lim muhitining shakllanishi pedagogic ta'lim jarayonini rivojlantirish vositasi sifatida.	358-362
Yangibayev K.N. Muzei pedagogikasi yordamida maktabgacha yoshdagi bolalarda kognitiv qiziqishni rivojlantirish.	362-368
Keldiyorova M.G'. Majmuaviy yondashuv asosida bo'lajak boshlang'ich ta'lim o'qituvchilarining muzei pedagogikasi vositalaridan foydalanishga oid kasbiy tayyorgarligini shakllantirish.	368-373
Хамроев Ш.Э., Алимардонова М.Х. Миришкор туманининг туризм имкониятлари.	374-378
Қурбонова М. Б. Давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш	378-383
Rasulova I., Ergasheva M. Yoshlar olamini muzeilar orqali pedagogik-psixologik tarbiyalashning kognitivlik ahamiyati	383-386
G'aybullayeva G. T. Maktabgacha ta'lim yo'nalishidagi talabalarga ingliz tilini o'rgatishda zamonaviy innovatsion ta'lim texnologiyalari	386-389
Ashirova S. Maktabgacha yoshdagi bolalarda pozitivlik sifatlarini shakllantirishda o'yinlarning o'rni.	389-391
Alimova Z. Bolalarni milliy an'ana va qadriyatlar ruhida tarbiyalashda millat	392-395